

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2020 йил февраль ойининг 11 куни, жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят суди ўз биносида, очик суд мажлисида,

раислик қилувчи вилоят судининг судьяси И.Шайманов,

халқ маслаҳатчилари М.Мейлибоева ва З.Рашидовдан иборат таркибда, судья катта ёрдамчиси Р.Абдурахмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Сурхондарё вилоят прокуратураси бўлим прокурори У.Эргашев, адвокати А.Жабборованинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми “б” банди, 223-моддаси 2-қисми “в” банди, 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “а” банди, 244<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган Р.Ага оид 1-19-1906/36-сонли жиноят ишини кўрди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Р.А, 1973 йил 15 ноябрда Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини яхши билади, таржимон ёрдамига муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта, оилали, икки нафар фарзанди бор, судланмаган, ишламаган, Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, “Ниҳолзор” маҳалласида яшаган, ушбу иш бўйича 2019 йил 18 сентябрдан буён қамоқда сақланмоқда, айблов ҳулосаси нусхасини 2020 йил 8 январь куни олган.

Суд ҳайъати, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, томонларнинг музокара нутқларини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни,

а н и қ л а д и :

Р.А “Ҳизбут-таҳрир” диний экстремистик ташкилоти аъзоси ҳисобланган М.Ю ва бошқалар билан бир гуруҳ бўлишиб, олдиндан ўзаро жиноий тил бириктириб, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, вилоят ҳудудида ҳуфиёна тарзда фаолият юритаётган “Ҳизбут-таҳрир” диний экстремистик, фундаменталистик уюшмасининг “Сариосиё жамоати”га аъзо бўлиб, Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузуми ва ҳудудий яхлитлигини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартириш ва бузишга, ҳокимият вакилларини ҳокимиятдан четлашишга қаратилган ғоя ва ақидалари, шариат аҳкомлари асосида “исломий” давлатда яшаш



лозимлиги ҳақидаги “Ҳизбут-тахрир” диний экстремистик ташкилотнинг ғояларини эшитиб, ушбу ташкилот ғоялари билан йўғрилган диний мазмундаги бир дона “Ислом низоми” китоби, варақа шаклидаги “Мусулмонлар яҳудийларни дўст тутмайдилар” номли уч дона ва варақа шаклидаги “Суриядаги мустақил фикрлар учун қамоққа олишлар” номли икки дона адабиётларни олиб, улар мазмуни билан танишиб, М.Ю ва бошқалар билан исломий давлатни барпо этиш мавзуларида мулоқот олиб борган ва мазкур диний адабиётларни ўзининг яшаш манзилида сақлаб келган.

Р.А М.Ю ва бошқалар билан жиноий тил бириктириб, уюшган гуруҳ манфаатларини кўзлаб, мавжуд давлатларнинг давлат тузумини “Ҳизбут-тахрир” диний экстремистик ташкилот ғоялари тарқатиш йўли билан ўша ҳудудларда яшовчи аҳолининг хоҳиш иродасини инобатга олмаган ҳолда Ўзбекистон Республикасининг амалдаги давлат тузумини Конституцияга хилоф тарзда ўзгартиришга, яъни “халифаликка” асосланган ислом давлатини куришга ундовчи материалларни аҳоли кўп йиғилувчи жойларда тарқатиш мақсадида 2000 йил апрель ойида Р.АМ.Ю томонидан тақдим этилган варақа шаклида бўлган ва “Ҳизут-Тахрир” диний экстремистик ташкилоти ғоялари акс этган диний варақаларни Узун тумани марказида жойлашган деҳқон бозори растасига ташлаб келган.

2000 йил 8 апрель куни Р.Анинг Сурхондарё вилояти, Сариосиё тумани, “Дашнобод” жамоа хўжалиги, “Янги ҳаёт” кишлоғида жойлашган яшаш манзили Ўзбекистон Республикаси МХХ ва ИИБ ходимлари томонидан кўздан кечирилганда, уйнинг кириш қисмидаги коридорнинг чап томонидаги ваннахонанинг иситиш батареяси устида варақа шаклидаги “Мусулмонлар яҳудийларни дўст тутмайдилар” номли уч дона ва “Суриядаги мустақил фикрлар учун қамоққа олишлар” номли икки дона варақалар мавжудлиги аниқланиб, холислар иштирокида баённома асосида расмийлаш-тирилган.

Р.Аўзининг яшаш манзилида “Ҳизбут-тахрир” диний экстремистик ташкилоти адабиёти аниқлангани ҳамда диний экстремистик ташкилоти аъзолари М.Ю ва бошқаларнинг жиноий жавобгарликка тортила бошлаганидан сўнг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан қўлга олинишидан чўчиб, ўзида сақлаб келган “Ислом низоми” номли китобини ёқиш йўли билан йўқ қилиб, жиноий жавобгарликка тортилишидан қўрқиб Ўзбекистон Республикасидан айланма йўллар орқали қонунга хилоф равишда чет элга чиқиб кетган.

Р.А2000-2019 йиллар давомида Тожикистон Республикаси Турсунзода туманида яшаб келиб, ўзининг жиноий ҳаракатларини такроран давом эттириб, Ўзбекистон Республикаси ҳудудига айланма йўллар орқали киришни режалаштириб, 2019 йил 16 сентябрь куни тунги вақтда Ўзбекистон Республикасининг Тожикистон Республикаси билан чегарадош бўлган Сурхондарё вилояти, Сариосиё туманидаги айланма



йўллар орқали Ўзбекистон Республикаси ҳудудига ноқонуний равишда кириб келган.

Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги Термиз Давлат Университетининг 2000 йил 20 апрелдаги 217-сонли суд-адабиётшунослик экспертизаси хулосасида, Р.Анинг яшаш уйидан олинган адабиётлар “Ҳизбут-тахрир” диний экстремистик оқимига мансуб бўлиб, унда Ўзбекистон Республикаси Конституциявий тузумига қарши ва Ўзбекистон Республикаси Президенти шаънига нолойиқ фикрлар мавжудлиги, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари тинчлигига хавф туғдириши билдирилган.

Ўзбекистон Республикаси ДХХЧК, ЧНБ томонидан берилган 30/2/2-15971-сонли маълумотномада, Р.Анинг 2000 йил 1 январдан 2019 йил 18 сентябрга қадар Ўзбекистон Республикаси Давлат чегараларини кесиб ўтгани ҳақида маълумотлар қайд этилмаганлиги аниқланган.

Судда судланувчи Р.Аайбига иқроорлик ва пушаймонлик билдириб, 1986 йилдан бошлаб намоз ўқишни бошлаганлиги, 1997 йил куз ойларида Қодирова Гулшан билан турмуш қурганлиги, турмуши даврида қизи 1998 йил туғилган Рахматова Маҳлиё туғилганидан сўнг 8 ой ўтиб, қизи касаллик туфайли вафот этганлиги, сўнг отаси Рахматов Болтабойнинг гапи билан беш вақт намоз ўқий бошлаганлиги, отаси Б.Рахматов билан маҳаллада жойлашган масжидга боришлиги, 1999 йил май ойида ўғли Рахматов Ҳусниддин туғилганлиги, орадан бир ҳафта ўтиб, унинг соғлиғи ёмонлашиб вафот этганлиги, 2000 йил февраль ойида уйига Сариосиё тумани “Шоқишлоқ” маҳалласида яшовчи узоқ қариндоши Юнусов Мансур Абдуманнонович таъзия билдириш мақсадида уйига келиб, сабр қилишни, синов эканлиги ҳақида гапириб, ўзига, “агарда биз шариат асосида бошқариладиган исломий давлатда яшаганимизда, бундай балоқазолар бошимизга келмасди, бизда ароқхўрлик, зинокорлик бошқа гуноҳ ишларнинг кўпайиб бораётганлиги сабабли, шу бало қазолар бизнинг бошимизга келяпти, сенинг гуноҳларинг туфайли фарзандларинг вафот этган, агарда Сен шариат қонунлари асосида яшаганингда, фарзандинг ёнингда бўларди, Сен тавба қилгин, бундан буён ҳаётинг яхшиланишини хоҳласанг, шариат асосида яшагин” деб даъват қилганлиги, унинг даъватларидан қаттиқ таъсирланиб, унинг гапларини тўғри деб билиб, унинг ғояларини қўллаб қувватлай бошлаганлиги, кейин М.Ю уйига бир неча маротаба келиб, таъзия билдиргандек бўлиб, ҳар келганида бир ўзи келиши, ҳар сафар келганида Ўзбекистондаги давлат томонидан олиб борилаётган сиёсатни қоралаб, диний эркинлик йўқлигини, Ўзбекистонда диний амалларни бажариб, намоз ўқиганлар ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимлари томонидан қийноққа солинаётганлиги, асоссиз равишда қамалиб қийналаётганлигини айтиб, “Ҳизбут-тахрир” диний экстремистик оқимининг танлаган йўли тўғрилигини, унинг ғояларини қўллаб-қувватлаб, унинг фаолиятини кенгайтириш мақсадида янги аъзоларни жалб қилиш орқали хизмат қилиши кераклигини ҳақида даъват ишларини



олиб боришлиги, шунингдек, ўзига “давлатимизда қонунлар асосида, унга бўйсуниб яшаб келаётганлигини, бу қонунларни одамлар яратганлигини, биз Аллоҳнинг китоби ва шариат аҳкомлари асосида яшаши кераклиги ҳақида гапириб, Исломий давлат бўлганида, бутунлай бошқача бўларди, сабр қилдинг” деб таъкидлаганлиги, М.Ю 2000 йилнинг март ойида уйига келиб, ўзи “Ҳизбут-тахрир” диний экстремистик оқимининг “Ислом низоми” деб номланган ўзбек тилида ёзилган китобни бериб, ушбу китобни ўқиб диний билимларини оширишини, ушбу оқимнинг фаолияти билан танишиб чиқишини билдирганлиги, кейин М.Ю 2000 йилнинг апрель ойида Мирзаев Садриддин исмли шахс билан таништириб, ушбу шахс билан биргаликда “Ҳизбут-тахрир” диний экстремистик оқимининг сафини кенгайтириш мақсадида варақаларни тарқатишини айтганлиги, сўнг М.Ю билан биргаликда Узун тумани кўчасида учрашиб, ундан тахминан 10 дона варақаларини ундан олиб, чўнтагига солиб, туман марказидаги эски буюмлар сотиладиган “Чуқур” бозорига пиёда бориб, варақаларни бозорлар растаси орасидан юриб, савдо қилинадиган расталарга тез ташлаб, қолдириб кетганлиги, чунки ушлаб олишларидан кўрққанлиги, бозорга бир ўзи борганлиги, аҳолига очикчасига тарқатмаганлиги, 2000 йил 8 апрель куни касалликка чалиниб, ошқозони оғриганлиги сабабли тиббий кўрикдан ўтиш мақсадида Сариосиё тумани марказий шифохонасига бориб, шифокор кўригидан ўтганлигини, тушликдан сўнг яшаш уйига келганида, турмуш ўртоғи Г.Қодирова уйига орган ходимлари келиб, тинтув ўтказганини, айрим диний китоб ва варақаларни топиб олишганини айтганлиги, шу сабабли туман ИИБ биносига боришни тайинлаб кетганлигини айтганлиги, кўрққанидан ИИБга бориб учрашмасдан, уйдан пулларини ва паспортини олиб, уйдан чиқиб кетганлиги, кетишидан олдин уйининг молхонасидаги хашакларнинг орасига беркитилган “Ҳизбут-тахрир” диний экстремистик оқимининг “Ислом низоми” номли китобини ёқиб юборганлиги, кейин нотаниш таксига ўтириб, “Чумчуқлижар” чегара постигача бориб, қонуний равишда фуқаролик паспорти билан чегара постидан ўтиб, Тожикистон Республикасининг Регар шаҳрига борганлиги, Регар шаҳрининг марказида бозори ёнида чойхонада кечки вақт ётиб, кундуз куни мардикорчилик ишлари билан шуғулланиб юрганлиги, 2002 йил январь ойларида Тожикистон Республикаси Регар шаҳрида яшовчи, бозорда савдо қилувчи Қуватова Карима билан яқиндан танишиб қолиб, у билан яқин муносабатда бўлиб келганлиги, сўнг К.Қуватовага уйланиш мақсадида унинг отаси Бўрибойнинг олдига совчиликка бориб, у билан гаплашиб, шаръий расм-русумлар асосида оила куриб, қайнотаси “Бўрибой”нинг уйида турмуш ўртоғи К.Қуватова билан бирга яшай бошлаганлиги, К.Қуватова билан ўртасида 2002 йил 23 ноябрь куни Қуватов Хафиз Абдугаффорович исмли фарзанди туғилганлиги, шу тариха Регар шаҳрида оиласи билан биргаликда яшаб, “Регар” бозорида савдо-сотик ишлари билан шуғулланиб юрганлиги, 2006 йил ёз ойларида бозорда “Салом”



исмли сотувчи билан жанжаллашиб қолиб милицияга тушганлиги, милицияси ўзини сўроқ қилиб, қийноққа солиб сўроқ қилганидан сўнг бор ҳақиқатни уларга айтганлиги, Ўзбекистон Республикасидан эканлигини, “Ҳизбут-тахрир” экстремистик ташкилотига алоқадор эканлигини, кидирувда эканлигини айтганлиги, кейин “Ҳизбут-тахрир” экстремистик оқими аъзоси сифатида айблов қўйганлиги, Тожикистон Республикаси ЖКнинг 341-моддаси, 307-моддалари билан 2006 йил 17 июлдаги ҳукми билан 12 йил муддатга озодликдан маҳрум қилинганлиги, 2009 йил 9 февраль куни фарзанди Раҳматов Муҳаммад туғилганлиги, 2015 йил 27 август куни озодликка чиқаришганлиги, кейин яна қайнотаси Бўрибобонинг яшаш уйига келиб яшаганлиги, 2019 йил август ойларида телевизор орқали “Ёшлар” ва “Ўзбекистон” телеканалларини доимий кузатиб боришлиги, янгиликларни эшитиб, Президентимиз Ш.Мирзиёев томонидан чиқарилган қарорни эшитганидан сўнг ватанига қайтиб, ўзини ҳуқуқни муҳофаза қилувчи орган ходимларига топширишни мақсад қилиб, 2019 йил 15 сентябрь куни кечки вақтда Тожикистон Республикаси Турсунзода тумани ҳудудидаги айланма йўллар орқали, тоғли ҳудуддан Сариосиё туманининг “Дарাগистон” маҳалласидаги сўқмоқ йўллар орқали Сариосиё туманининг “Дашнобод” маҳалласи ҳудудига пиёда келиб, йўловчи оқ рангли “Нексия” русумли автомашинага ўтириб, тўғри Сариосиё тумани ИИБ биносига келиб, ўзини ИИБ ходимларига топширганлиги, М.Ю унга узоқроқ қариндош бўлса-да, уни унчалик яхши танимаслиги, оилавий борди-келдиси бўлмаганлиги, М.Ю берган варақаларни ўқиб кўрмаганлиги, нима мазмунда эканлигини ҳам билмаслиги, Тожикистон Республикасига қонуний тартибда ўтганлиги, чегарани бузмаганлиги, ўша пайтда кўрққанидан Тожикистон Республикаси ўтиб кетганлиги, ўзи кидирувда эканлигини 2000 йилда билганлиги, М.Юни Тожикистон Республикасидаги жазони ижро этувчи колонияда ҳам кўрганлиги, ўша пайтда ёш бўлганлиги, тушунмаганлиги сабабли варақа тарқатиш жиноят эканини билмаслиги, М.Ю ўзига моддий томондан ёрдам бермаганлиги, ўзи ватанини соғинганлиги сабабли ўз юртига қайтганлиги, содир қилган жиноятдан афсус-да бўлиб, ҳозирги кунда содир этган жиноятнинг оқибатларини тўла англаб етганлиги, пушаймонлигини инобатга олиб енгиллик беришни сўраб ўтди.

Судда гувоҳ О.Р судланувчи Р.Аукаси бўлишлиги, укаси Р.А2000 йил баҳор ойларида уйдан чиқиб кетганлиги, орадан 20 йил ўтиб, Ўзбекистонга қайтиб келганлиги, укаси Р.Ани диний мазмундаги варақа тарқатганидан хабари бўлмаганлиги, уйдан ҳам чиққан диний китоб ва варақалардан хабари бўлмаганлиги, укаси Р.Аошқозон касаллиги билан касалланганлиги сабабли даволаниб юришлиги, М.Ю деган шахсни эшитганлиги, лекин уни яхши танимаслиги, укаси Р.Ани Тожикистон Республикасига кетганида умуман гаплашма-ганлиги, яқинда Тожикистон Республикасида юрганини эшитганлиги, укаси Р.Анинг уйда бўлган тинтувда қатнашмаганлиги ҳақида кўрсатув бериб ўтди.



Судда гувоҳ Х.Р, судланувчи А.Рни яхши танишлиги, у укаси бўлишлиги, укаси Р.А2000 йил баҳор ойларида уйдан чиқиб кетиб, шу билан қайтиб келмаганлиги, шундан кейин унинг қаерда эканини билмаслиги, 2000 йил 8 апрель куни укаси Р.Ани яшаш уйида ўтказилган тинтувда қатнашмаганлиги, М.Ю деган шахсни кўрмаганлиги ва танимаслиги, укаси Р.Ани Тожикистон Республикасига кетганидан хабари бўлмаганлиги, у билан алоқада ҳам бўлмаганлиги ҳақида кўрсатув бериб ўтди.

Судда гувоҳ К.К, судланувчи Р.Атурмуш ўртоғи бўлишлиги, ўзи Тожикистон Республикаси Турсунзода туманида яшашлиги, Р.Абилан 2002 йил февраль ойида турмуш қурганлиги, 2007 йил май ойида қонуний тартибда никоҳдан ўтганлиги, ўрталарида икки нафар фарзандлари борлиги, Ўзбекистон Республикасига қариндошлари бўлганлиги учун ўзи ҳам гоҳ-гоҳида келиб туришлиги, турмуш ўртоғи Р.Абилан Регар бозорида биргаликда савдо ишлари билан шуғулланганлиги, турмуш ўртоғи Р.Аҳеч қачон ноқонуний ишлар билан диний мазмундаги материал тарқатиш билан шуғулланмаганлиги, турмуш ўртоғи Р.Ага нисбатан енгиллик беришни сўраб кўрсатув бериб ўтди.

Судда гувоҳ О.Р, судланувчи Р.Ани танимаслиги, умуман кўрмаганлиги, ўзи Сариосиё тумани Янги ҳаёт МФЙ ишламаганлиги, Р.Ани уйида бўлган тинтувда қатнашмаганлиги, дастлабки терговда кўрсатув бермаганлиги, М.Ю ва С.Мирзаевларни танимаслиги, Р.Анинг уйдан варақа чиққанини эшитмаганлиги ҳақида кўрсатув бериб ўтди.

Судда гувоҳ О.Н, судланувчи Р.Ани танимаслиги, умуман кўрмаганлиги, ўзи Р.Анинг уйдан 2-3 уй нарида турса-да, лекин уни яхши танимаслиги, дастлабки терговда кўрсатув бермаганлиги, Р.Анинг опаларини танишлиги, Р.Анинг турмуш ўртоғи Г.Қодировани ҳам танимаслиги, Р.Ани уйида бўлган тинтувда қатнашмаганлиги ҳақида кўрсатув бериб ўтди.

Судда гувоҳ Б.И, судланувчи Р.Аукаси бўлишлиги, укаси Р.Аўзига кўшни бўлиб яшаганлиги, 2000 йил апрель ойида келини Г.Қодирова уйига йиғлаб келиб, уйига бир нечта ИИБ ходимлари келиб тинтув қилишганини айтганлиги, лекин уларнинг уйига бормаганлиги, ИИБ ходимлари ўзлари атайин укаси Р.Анинг уйига варақалар ташлаганлиги, М.Юни танимаслиги, укаси Р.Анима учун Тожикистон Республикасига кетганини билмаслиги, ўзи ИИБга сўроқ бермаганлиги, укасини диний ташкилотларга аъзо бўлганини эшитмаганлиги ҳақида кўрсатув бериб ўтди.

Судда гувоҳ Т.Х, судланувчи Р.Атанишлиги, шахсий адовати бўлмаганлиги, ўзи Сариосиё туман ИИБ ЖҚБ ходими бўлганлиги, 2008 йил октябрь ойида нафақага чиққанлиги, Р.Анинг қидирувда бўлган йиғма жилди ўзининг иш юритувида бўлганлиги, Р.Ага нисбатан 2001 йилда қидирув эълон қилинганлиги, Р.Адиний мазмундаги варақалар



тарқатганликда айбланганлиги, 2006 йил Тожикистон Республикасига хизмат юзасидан борганида, Тожикистон Республикаси ИИБ ўзини ушлаб ВСХ сақлаганлиги, шунда судланувчи Р.Ани кўрганлиги, Р.Абилан чамаси бир ойлар бирга ўтирганлиги, шунда Р.Анинг ошқозони операция бўлиб, жуда оғир касал бўлиб қолганлиги, шундан сўнг ўзини қамокдан чиқариб юборишганлиги, Р.Ага ўзини хавфсизлиги учун ИИБ ходими эканини деб таништирмаганлиги ҳақида кўрсатув бериб ўтди.

Судда гувоҳ М.Ю, судланувчи Р.Ани танишлиги, Р.Ани танишлиги, ўзининг узоқ қариндоши бўлишлиги, Б.Рахматов билан бир неча марта кўришиб, унга “Ҳизбут-таҳрир” оқими ҳақида тушунча бериб, оқимнинг афзалликлари тўғрисида гапириб, уни “Ҳизбут-таҳрир” оқимига киришга ундаганлиги, Р.Аўз ихтиёри билан ўзидан диний китобни олганлиги, унга тарқатиш учун варақалар берганини эслолмаслиги, 1999 йил бошларида, Денов туманидаги “Абдумалик” исмли шахс билан танишиб қолиб, унинг таъсири остида “Ҳизбут-таҳрир” диний оқимига аъзо бўлиб кирганлиги, 1999 йил куз фаслида “Абдумалик” ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан қўлга олинганидан ва уйига ИИБ ходимлари келиб, қидириб кетишганини эшитиб, бу ҳолатдан кўрқиб Тожикистон Республикасига чиқиб кетганлиги, 2001 йилда Тожикистон Республикаси ҳудудида юрган вақтида милиция ходимлари томонидан ушланганлиги, 2002 йил 3 январь куни Тожикистон Республикаси Душанбе шаҳар судининг ҳукми билан 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланганлиги, 2011 йил 5 сентябрь куни жазони ўташдан озод қилиниб, Ўзбекистон Республикасига юборилганлиги, 2012 йил 23 январь куни жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти судининг ҳукмига кўра, ЖКнинг 158-моддаси 3-қисми, 159-моддаси 3-қисми “б” банди, 223-моддаси 1-қисми, 244<sup>1</sup>-моддасининг 3-қисми "а" банди ва 244<sup>2</sup>- моддаси 1-қисми билан 11 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазосига судлангани, Р.Аузоқ қариндош бўлса-да, оилавий жанжали бўлгани учун борди-келдиси бўлмаганлиги, ҳақиқатдан Р.Анинг фарзанди вафот этганида таъзия билдириш учун уйига борганлиги, лекин диний адабиёт, варақалар берганини эслолмаслиги, Р.Ани Тожикистон Республикасидаги жазони ижро этиш колониясига кўрмаганлиги, Р.Ани 2000 йилдан буён кўрмаганлиги, С.Мирзаевни танишлиги, Р.Ага берган диний китобни “Абдумалик” деган шахсдан олганлиги, содир қилгани жиноятидан пушаймонлиги ҳақида кўрсатув бериб ўтди.

Судда гувоҳ Г.Қ, судланувчи Р.Асобик турмуш ўртоғи бўлганлиги, 2000 йил 8 апрель куни турмуш ўртоғи Р.Аошқозонини кўрсатиш учун шифохонага кетганида, уйига бир неча ички ишлар ходимлари келиб, уйда тинтув ўтказиб, бир неча қоғоз топилганини айтиб, турмуш ўртоғи Р.Ани ИИБга боришни тайинлаганлиги, шундан кейин турмуш ўртоғи Р.Ауайга келганида унга бўлган воқеани айтиб ИИБ боришини айтганида, у уйдан паспорт ва пулларни олиб чиқиб кетганлиги, шундан кейин уйга қайтмаганлиги, уни уч йил кутиб, кейин бошқа оила куриб турмушга



чиққанлиги, М.Юни танимаслиги, Р.Адан бир нафар фарзанди борлиги, ИИБ ходимлари ювиниш хонасидан қоғоз топиб олишганлиги, ушбу қоғозлардан хабари йўқлигини уларга айтганлиги, Р.Ауйда ўрик шарбати тайёрлаб, бозорга олиб бориб сотиш билан шуғулланганлиги, Р.Анамоз ўқимаганлиги, ўзини бир неча кундан кейин ИИБ чақирганида, акаси С.Қодиров билан бирга бориб, айрим қоғозларга имзо қўйишни айтганида имзо қўймаганлиги ҳақида кўрсатув бериб ўтди.

Р.Анинг айби, судда ўзининг айбига иқрорлик ва пушаймонлик бўлиб берган кўрсатуvidан ташқари, судда сўралган гувоҳларнинг кўрсатувлари билан Р.Анинг яшаш уйи тинтув ўтказиш ҳақидаги баённома билан унга кўра уйдан олинган ашёвий далиллар, Ўзбекистон Республикаси Олий таълим вазирлиги Термиз Давлат университетининг 2000 йил 20 апрелдаги хулосаси, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Дин ишлари бўйича қўмитасининг 2019 йил 6 декабрдаги хати ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа далиллар мажмуи билан тасдиғини топди.

Суд ҳайъати, судланувчи Р.Анинг жиноий ҳаракатига ҳуқуқий баҳо бериб, унга нисбатан дастлабки тергов органи томонидан қўйилган айбловни муҳокама қилиб, унинг жиноий ҳаракатлари тергов органи томонидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми “б” банди, 223-моддаси 2-қисми “в” банди, 244<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Р.Анинг ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “а” банди айб эълон қилиб хатоликка йўл қўйилган.

Чунки, Термиз Давлат Университетининг 2000 йил 20 апрелдаги хулосасида Р.Анинг уйдан ашёвий далил сифатида олинган “Мусулмонлар яҳудийларни дўст тутмайдилар” номли уч дона ва “Суриядаги мустақил фикрлар учун қамоққа олишлар” номли икки дона варақалар Ўзбекистонда тақиқланган адабиётлар туркумига кириши, ушбу варақалар Ўзбекистон давлати, Ўзбекистон Республикаси Конституциясига қарши, Ўзбекистон Республикаси Президентининг номига нолайиқ фикрлар мавжудлиги, унда диний, миллий низолар ҳақидаги фикрлар юритилгани, Ўзбекистон Республикасининг конституциявий тузумига тажовуз қилиш, фуқароларнинг тинчлигига хавф туғдириши мумкинлиги ҳақида хулоса берилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми диспозициясида, бир гуруҳ шахслар билан тил бириктирган ҳолда диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаган, уларни тарқатиш мақсадида сақлаган, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий



белгиларини тарқатиш ёхуд намойиш этиш мақсадида тайёрлаганлик ва сақлаганлик учун жавобгарлик назарда тутилган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 22-моддасида, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, ишда юзага келадиган ҳар қандай масалани ҳал қилишда айбланувчини ёки судланувчини ҳам фош қиладиган, ҳам оклайдиган, шунингдек унинг жавобгарлигини ҳам енгиллаштирадиган ҳам оғирлаштирадиган ҳолатлар аниқланиши ва ҳисобга олиниши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 26-моддасида суд фақат суд мажлисида текширилган далилларга асосланиб ҳукм чиқариши, ЖПК 463-моддасида айблов ҳукми тахминларга асосланган бўлиши мумкин эмаслиги ва фақат судланувчининг жиноят содир этишда айбли эканлиги суд муҳокамаси давомида исбот қилинган тақдирдагина чиқарилиши, айблов ҳукмига жиноят содир этилишининг иш бўйича барча мумкин бўлган ҳолатларини текшириш, иш материалларида маълум бўлиб қолган барча кам-кўстни тўлдириш, юзага келган ҳамма шубҳа ва қарама-қаршилиқларга барҳам бериш натижасида йиғилган ишончли далилларгина асос қилиб олиниши лозимлиги белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 4-бандида, иш бўйича ҳукм иш материалларида маълум бўлиб қолган барча камчиликлар тўлдирилгандан кейингина чиқарилиши мумкинлиги, иш бўйича исботланиши лозим бўлган барча ҳолатлар синчковлик билан, ҳар томонлама, тўла ва холисона текшириб чиқилиши кераклиги, судланувчини жиноятни содир қилганлигини ҳам фош қиладиган, ҳам оклайдиган ҳар бир далил, ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ ишга алоқадорлиги, мақбуллиги ва ишончлилиги нуқтаи назаридан баҳоланиши лозимлиги, ҳукмда судланувчининг жиноий ҳаракатларини ҳам фош қиладиган, ҳам оклайдиган далилларга асосланганда, суд уларнинг мазмунини ёритиши ва тегишли баҳо бериши лозимлиги, агар иш бўйича жиноят содир қилганликда бир нечта судланувчилар айбланаётган ёки судланувчи бир нечта жиноятларни содир қилганликда айбланаётган бўлса, суд ҳукмда ҳар бир судланувчига нисбатан ҳамда ҳар бир айблов бўйича далиллар келтириши ва таҳлил қилиб чиқиши ҳамда хулоса қилиши;

Қарорнинг 5-бандида, судларларни эътибори ЖПК 22-моддасига биноан иш бўйича ҳақиқатни аниқлаш учун фақат қонунда назарда тутилган тартибда тўпланган, текширилган ва баҳоланган маълумотлардан фойдаланиш мумкинлигига қаратишлари, бунда ЖПК 26, 90 ва 455-моддалари талабига биноан ҳукм фақат суд мажлисида текширилган ва суд мажлиси баённомасида ўз аксини топган далилларга асосланган бўлиши лозимлиги ҳақида тушунтириш берилган.



Бундай ҳолатда Р.Ани бир гуруҳ шахслар билан тил бириктирган ҳолда диний экстремизм, сепаратизм ва ақидапарастлик ғоялари билан йўғрилган, қирғин солишга ёки фуқароларни зўрлик билан кўчириб юборишга даъват этадиган ёхуд аҳоли орасида ваҳима чиқаришга қаратилган материалларни тайёрлаган, уларни тарқатиш мақсадида сақлаган, шунингдек диний-экстремистик, террорчилик ташкилотларининг атрибутларини ёки рамзий белгиларини тарқатиш ва сақланганликда ушбу модда билан айблаб бўлмайди.

Жиноят процессуал кодексининг 23-моддасига асосан айбдорликка оид барча шубҳалар, башарти уларни бартараф этиш имкониятлари тугаган бўлса, гумон қилинувчи, айбланувчи ёки судланувчининг фойдасига ҳал қилиниши лозимлиги кўрсатилган.

Олий суд Пленумининг 2008 йил 15 майдаги “Бир неча жиноят содир этилганда қилмишни квалификация қишга доир масалалар тўғрисида”ги қарорининг 10-бандида, бир неча жиноят содир этилганда, агар жиноятлардан бири бошқасини содир этиш воситаси ёки усули бўлиб, ҳар иккала жиноят белгилари Жиноят кодекси тегишли моддаси диспозициясида кўрсатилган бўлса, қилмиш Жиноят кодексининг фақат оғирроқ жиноят учун жавобгарлик белгиловчи битта моддаси билан квалификация қилиниши кераклиги, бунда қилмишни енгилроқ жиноят учун жавобгарликни назарда тутувчи модда билан қўшимча квалификация қилиш талаб этилмаслиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли суд ҳайъати Р.Анинг айбидан ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисмидаги айблов эпизодини чиқаришни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

ЖКнинг 8-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

ЖКнинг 42-моддасида, жазо маҳкумни ахлоқан тузатиш, унинг жинойий фаолиятини давом эттиришга тўсқинлик қилиш ҳамда маҳкум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этилишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши;

Ушбу Кодекснинг 54-моддаси 2-қисмида, суд жазо тайинлашда содир этилган жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, қилмишнинг сабабини, етказилган зарарнинг хусусияти ва миқдорини, айбдорнинг шахсни ҳамда жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олиши лозимлиги қайд қилинган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, жазо адолатли бўлиши, ҳар бир



ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларига мувофиқ бўлиши кераклиги;

Ушбу қарорнинг 37-бандида, ЖК 57-моддасига мувофиқ, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатлар аниқланган тақдирда, Жиноят кодекси Махсус қисми моддаси санкцияси назарда тутилган энг кам жазодан ҳам камроқ ёки шу моддада назарда тутилмаган бошқа енгилроқ жазо тайинланиши мумкинлиги ҳақида тушунтириш берилган.

Шу сабабли суд ҳайъати, ушбу қонун талаби ва Пленум қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, қонуннинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя этган ҳолда жазо тайинлашликни лозим топади.

Суд ҳайъати, судланувчи Р.Ага нисбатан жазо тайинлашда айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан пушаймонлигини, ҳозирда содир этган жиноятининг оқибатларини тўла англаб етганлигини, енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, жиноятни бир гуруҳ шахслар томонидан тил бириктирган ҳолда содир этганлигини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига амал қилиб, содир этилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини, унинг муқаддам судланмаганлиги, қилмишидан пушаймонлик билдириб, тергов органига ўз ихтиёри билан келганлигини, ҳозирда содир этган жиноятининг оқибатларни тўла англаб етганлигини, судланувчининг моддий аҳволини, шунингдек қарамоғида икки нафар вояга етмаган фарзандлари борлигини, содир этган жиноятини хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини жиддий камайтирувчи ҳолатларни эътиборга олиб, унга нисбатан ЖК 57-моддасини қўллаб, мазкур жиноятлар учун белгиланган жазонинг энг кам қисмидан ҳам жазо тайинлашликни лозим топади.

Иш бўйича ашъвий далил сифатида олинган икки дона "DVD" компакт дискларни жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига асосланиб, суд ҳайъати

ҳ у к м қ и л д и:

Р.Анинг айбидан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 244<sup>1</sup>-моддаси 3-қисми “а” банди чиқарилсин.



Р.А Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми “б” банди, 223-моддаси 2-қисми “в” банди, 244<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин.

Р.Ага Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 159-моддаси 3-қисми “б” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 223-моддаси 2-қисми “в” банди билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 (уч) йил озодликни чеклаш жазоси, ЖКнинг 244<sup>2</sup>-моддаси 1-қисми билан ЖКнинг 57-моддаси қўлланилиб, 3 (уч) йил озодликдан маҳрум қилиш жазоси, ЖКнинг 59,61-моддалари тартибида жазоларни қисман қўшиш йўли билан узил-кесил 3 (уч) йил 6 ой озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинлансин.

Р.А жазони умумий тартибли колонияларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати 2019 йил 18 сентябрь кунидан бошлаб ҳисоблансин.

Р.Ага нисбатан қўлланилган қамоққа олиш тарзидаги эҳтиёт чораси ўзгаришсиз қолдирилсин.

Иш бўйича ашёвий далил сифатида олинган икки дона "DVD" компакт дискларни жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан бошлаб, судланувчи ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, 10 (ўн) сутка ичида шу суд орқали жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида, ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг кассация тартибида шикоят бериши ёки прокурор протест келтириши мумкин.

Раислик қилувчи:

И.Шайманов

Халқ маслаҳатчилари:

М.Мейлибоева

З.Рашидов

